

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Jahon ixtisoslashtirilgan aralash mollari

savdo kompleksi» АЖ Кузатув

кенгашининг 201_ йил

«__»_____даги қарори билан

**«JAHON IXTISOSLASHTIRILGAN ARALASH MOLLARI SAVDO
KOMPLEKSI» АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни
ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш
ТАРТИБИ**

МУНДАРИЖА

- I. Умумий қоидалар
- II. Мустақил ташкилот танловини ташкил этиш тартиби
- III. Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар
- IV. Танлов таклифларини тақдим қилиш тартиби
- V. Танлов ғолибини аниқлаш тартиби
- VI. Ахборотни ошкор қилиш
- VII. Жавобгарлик
- VIII. Яқунловчи қоидалар

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур «**JAHON IXTISOSLASHTIRILGAN ARALASH MOLLARI SAVDO KOMPLEKSI**» АЖда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш тўғрисида»ги Тартиб (кейинги ўринларда Тартиб деб аталади) «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда Қонун деб аталади), Корпоратив бошқарув кодекси тавсиялари (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссия мажлисининг 31.12.2015 й. 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган), «**JAHON IXTISOSLASHTIRILGAN ARALASH MOLLARI SAVDO KOMPLEKSI**» АЖнинг Устави (кейинги ўринларда Устав деб аталади) ва Жамиятнинг бошқа норматив ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Тартиб Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш тартибини белгилайди.

3. Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини татбиқ этиш ва Жамиятда корпоратив бошқарув тизимининг ҳолати тўғрисида мустақил фикрни шакллантириш Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашнинг мақсади ҳисобланади.

4. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш миқдорини аниқлашда қўлланилади.

5. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашни ўтказиш йилда камида бир марта, лекин Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши мажлисини ўтказиш санасигача бир ойдан кечиктирмай ўтказилади.

6. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашни ўтказиш Жамият билан мулкӣ муносабатларга боғлиқ бўлмаган ташкилот (кейинги ўринларда мустақил ташкилот деб аталади) билан тегишли шартнома асосида амалга оширилади.

7. Мазкур Тартиб мустақил ташкилотни танлаш жараёнида иштирок этувчи Жамиятнинг ижроия органи, Кузатув кенгаши аъзолари, шунингдек мансабдор шахслари ва ходимларига нисбатан қўлланилади.

II. МУСТАҚИЛ ТАШКИЛОТ ТАНЛОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

8. Мустақил ташкилотни танлаш Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш тўғрисидаги шартноманинг мақбул

шартларини аниқлашга қаратилган танловни (кейинги ўринларда танлов деб аталади) ўтказиш орқали амалга оширилади.

9. Мустақил ташкилотни аниқлаш учун танлов молия йили тугаганидан кейин ҳар йили, лекин акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санасигача икки ойдан кечиктирмай ўтказилади.

10. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилот танловини ўтказиш бўйича ташкилий тадбирларни амалга ошириш учун Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан таркиби 5 кишидан иборат танлов комиссияси ташкил қилинади.

11. Танлов комиссияси:

а) танловни ўтказиш тартиби, танлов таклифларини қабул қилиш муддати ва танловни ўтказиш вақтини белгилайди;

б) танловда иштирок этиш учун тақдим этиладиган материаллар ва ҳужжатларнинг рўйхатини тасдиқлайди;

в) мазкур Тартиб талабларига мувофиқ тегишли материаллар ва ҳужжатларни тақдим қилиш, танловни ўтказиш шартлари ва талабларини танлов иштирокчиларига етказди;

г) зарур ҳолларда танлов иштирокчиларидан келиб тушган маълумотлар, материаллар ва ҳужжатларни аниқлаштиради;

д) танловни ўтказиш тадбирларини ташкил қилади;

е) танлов иштирокчилари тақдим этган таклиф ва ҳужжатларни ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқади, Жамият учун наф келтирадиган таклифни аниқлайди;

ж) танлов иштирокчиларини ва Жамият Кузатув кенгашини танлов натижалари тўғрисида хабардор қилади.

12. Танлов комиссияси Жамиятнинг ижроия органи раҳбари томонидан танлов ўтказиш тўғрисидаги қарор имзоланганидан беш календарь кунидан кечиктирилмаган муддатда Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида ва республика босма нашрларида Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун танлов ўтказиш тўғрисидаги хабарни чоп этади.

13. Танлов ўтказиш тўғрисидаги хабар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши шарт:

а) Жамиятнинг номи;

б) Жамиятнинг почта манзили;

в) танлов предмети;

г) танлов таклифларини тақдим этиш учун манзил, шу жумладан электрон манзил;

д) танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим қилиш муддати;

е) корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказишни амалга ошириш учун талаб қилинадиган муддатлар;

ж) танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар;

з) танловни ўтказиш жойи ва вақти, шунингдек таклифларни қабул қилиш, танловни ўтказиш бўйича тушунтириш бериш ва у билан боғлиқ материаллар ва ҳужжатларни расмийлаштириш ваколатига эга мансабдор шахсларнинг фамилияси, телефонлари, жойлашган ери, хона рақамлари;

и) бошқа зарур маълумотлар.

14. Таклифларни тақдим қилишнинг охириги муддати танловни ўтказиш тўғрисидаги хабар чоп этилганидан ўттиз календарь кунидан кечиктирмай белгиланиши шарт. Мазкур вақтдан кейин келиб тушган таклифлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва танлов комиссияси томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

Зарур ҳолларда Жамият таклифларни тақдим қилиш охириги муддатини кўчириши мумкин. Бунда комиссия Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида ва республика босма нашрларида танлов таклифларини тақдим қилишнинг охириги муддати тўғрисидаги хабарни чоп этади.

15. Агар танлов комиссияси мажлисида комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашса Танлов комиссиясининг мажлиси қонуний ҳисобланади. Қарор танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда танлов комиссияси раиси ҳал қилувчи овозга эга бўлади.

16. Комиссиянинг барча қарролари мажлисда иштирок этган комиссия аъзолари томонидан имзоланган баённома билан расмийлаштирилади.

17. Танлов комиссиясининг аъзолари қуйидагиларга мажбурдирлар:

- ўз фаолиятида қонун ҳужжатлари ва мазкур Тартиб талабларига амал қилиш;

- танлов комиссияси мажлисларида шахсан иштирок этиш;

- улар иштирок этган, баҳолаш натижалари ва танлов таклифлари солиштирилган, танлов якунлари қайд этилган танлов комиссияси мажлиси баённомасини шахсан имзолаш;

- белгиланган меъзонларга ҳамда мазкур Тартибда ўрнатилган тартибда ҳар бир кўзда тутилган танлов меъзонларга мувофиқ танлов таклифларини баҳолаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш;

- танловни ўтказиш давомида уларга маълум бўлган маълумотларнинг махфийлигига риоя қилиш.

18. Танлов комиссиясининг аъзолари қуйидагиларга ҳақли:

а) танловга тақдим этилган барча ҳужжатлар ва маълумотлар билан танишиш;

б) танлов комиссияси мажлисининг кун тартибидаги масалалар юзасидан сўзга чиқиш;

в) баённома тузишнинг тўғрилиги, танлов таклифларини баҳолаш ва солиштириш, танлов якунларни чиқариш тўғрилигини, шу жумладан, ўз нутқининг баённомада тўғри ифодаланганлигини текшириш.

Танлов комиссияси аъзолари танловни ўтказиш давомида танлов комиссиясининг қарорларига таъсир кўрсатадиган хатти-ҳаракатларни қўллашга ҳақли эмаслар.

III. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

19. Қуйидаги ташкилотлар танловда иштирок этишга йўл қўйилади:

а) фонд биржаси;

б) қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари;

в) штат таркибида тегиши гувоҳномага эга бўлган корпоратив бошқарувчи ёки қимматли қоғозлар бозори мутахассиси бор аудиторлик ташкилотлари;

г) аккредитация қилинган рейтинг агентликлари;

д) корпоратив бошқарув илмий-таълим Маркази;

е) хусусийлаштириш, корпоратив бошқарувни ва қимматли қоғозлар бозори ривожлантириш муаммоларини тадқиқ этиш Маркази.

20. Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар:

а) қимматли қоғозлар бозорида 1 йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлиш;

б) қимматли қоғозлар бозори мутахассиси амалдаги гувоҳномасига эга бўлган штат жадвалида биттадан кам бўлмаган қимматли қоғозлар бозори мутахассисининг мавжудлиги;

в) акциядорлик жамиятларида аввалги ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича ташкилот ишига салбий баҳо берилган ҳолатларни мавжуд эмаслиги.

21. Танлов иштирокчилари қуйидагиларга ҳақли:

а) танлов комиссиясига кўриб чиқилиши учун танлов таклифларини беришнинг муддати тугагунича, лекин ўн календарь кунидан кечиктирмай, мазкур Тартиб, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талаблар бўйича тушунтиришлар олиш учун танлов комиссиясига ёзма шаклда мурожаат қилиш. Танлов иштирокчисининг сўровига танлов комиссияси томонидан уч кун ичида жавоб берилади;

б) танлов таклифларини тақдим қилишнинг охириги муддати тугагунича ўз таклифини қайтариб олмоқ.

IV. ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

22. Танлов иштирокчиси танлов таклифларини тақдим қилишнинг охириги муддатигача танлов шартларига мувофиқ тайёрланган танлов таклифларини тақдим этади.

23. Танлов иштирокчилари томонидан тайёрланган ва тақдим этилган танлов таклифлари қуйидаги ҳужжатлардан иборат бўлиши шарт:

а) танлов иштирокчисининг баҳолашни ўтказишнинг дастлабки баҳоси кўрсатилган танловда иштирок этиш тўғрисида таклифи (печатланган ёпик конвертда берилди);

б) давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

в) таъсис ҳужжатларининг нусхалари;

г) тегишли лицензиянинг нусхаси (мавжуд бўлса);

д) қимматли қоғозлар бозорининг мутахассиси малакавий гувоҳномасининг ва корпоратив бошқарувчи малакавий гувоҳномасининг нусхаси;

е) компания тўғрисида маълумот;

ж) мустақил ташкилотнинг энг йирик миждозларининг рўйхати ва қимматли қоғозлар бозорида мустақил ташкилотнинг тегишли иш тажрибаси;

з) баҳолаш ўтказишнинг иш режаси ва ишни бажариш муддатлари;

и) тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати;

к) танлов шартларига мувофиқ тақдим этилиши зарур бўлган бошқа ҳужжатлар.

24. Танлов иштирокчилари томонидан берилган барча ҳужжатлар танлов комиссиясида қолади ва қайтариб берилмайди.

25. Танлов қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эътироф этилади:

а) агар унда иккитадан кам танлов иштирокчилари иштирок этган бўлса;

б) агар танлов иштирокчиларининг таклифлари танлов шартларига жавоб бермаслиги эътироф этилса.

Танлов бўлиб ўтмаган деб эътироф этилган тақдирда, танлов комиссиясининг қарорига кўра такроран танлов ўтказиш тўғрисидаги хабар чоп этилади.

V. ТАНЛОВ ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

26. Танлов комиссияси белгиланган вақтда танлов иштирокчиларидан келиб тешган конвертларни очади. Конвертларни очиш натижалари, яъни

танлов иштирокчисининг корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш бўйича хизматларнинг нархи тўғрисидаги таклифи танлов комиссияси мажлисининг баённомасида қайд қилинади.

27. Танлов комиссияси танлов иштирокчиларидан келиб тушган таклифларни ўрганади ва мазкур Тартибнинг 1-иловасига мувофиқ келиб тушган танлов таклифларини баҳолашни ўтказди.

28. Олинган баллар жамланади. Агар иштирокчилар бир хил бал йиғсалар, унда хизматларнинг энг кам нархи инобатга олинади. Агар хизматлар бир хил нархда бўлса, унда “иш тажрибаси” кўрсаткичи бўйича олинган баллар инобатга олинади. Агар такроран бир хил баллар йиғилса, «__». кўрсаткичи бўйича олинган баллар инобатга олинади. Агар иштирокчилар яна такроран бир хил баллар йиғсалар, «__». кўрсаткичи бўйича олинган баллар инобатга олинади. Агар такроран бир хил баллар йиғилса, саналар бўйича олдин берилган танлов таклифи ҳисобга олинади.

29. Танлов натижалари танлов комиссияси мажлисининг тегишли баённомаси билан рамиёлаштирилади.

30. Танлов натижаларининг амалга оширилганидан кейин 3 кун ичида танлов комиссияси мустақил ташкилот номзоди – танлов ғолиби бўйича ахборотни Жамиятнинг Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун киритади.

31. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш учун мустақил ташкилотни танлаш тўғрисидаги қарор Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

32. Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан мустақил ташкилот тасдиқланганидан сўнг танлов комиссияси 3 кун ичида танлов ғолибини бу ҳақида хабардор қилади.

33. Танлов ғолиби унинг танлов таклифи ғолиб деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги хабарни олганидан бошлаб 10 кун ичида Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиш тўғрисидаги шартномани Жамиятнинг ижроия органи билан имзолаши ёки танлов комиссиясини мавжуд келишмовчиликлар ёки шартнома тузишдан бош тортиш тўғрисида ёзма хабардор қилиши шарт.

34. Агар танлов ғолиби деб эътироф этилган танлов иштирокчиси белгиланган муддатларда баҳолашни ўтказиш тўғрисидаги шартномани имзоламаса, танловнинг бошқа иштирокчиси билан шартнома тузилиши мумкин. Бундай ҳолатда танлов комиссияси танлов таклифи илгари ғолиб деб эълон қилинган иштирокчидан кейинги ўринни эгаллаган иштирокчини танлов ғолиби деб эълон қилишга ҳақли.

35. Танловни ва корпоратив бошқарув тизимини йиллик баҳолашни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Жамият маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

VI. АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ

36. Ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бундай баҳолашни ўтказган мустақил ташкилотнинг хулосаси билан Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида жойлаштирилади.

37. Ўтказилган баҳолаш натижалари бўйича Жамият оммавий ахборот воситаларида Корпоратив бошқарув кодексининг айрим тавсияларига риоя қилишнинг имкони мавжуд бўлмаганлиги тўғрисидаги ахборотни ҳам чоп этади, “риоя қил ёки тушунтир” халқаро тамойилига риоя қилган ҳолда унинг сабабларини тўлиқ ошкор этади.

VII. ЖАВОБГАРЛИК

38. Мазкур Тартиб талабларини бажариш Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан назорат қилинади.

39. Мазкур Тартиб талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгардирлар.

VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

40. Мазкур Тартиб Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

Мазкур Тартибни тасдиқлаш бўйича кузатув кенгашнинг қарори мажлисда иштирок этган кузатув кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан ёки кузатув кенгашининг мажлиси сиртдан ўтказилган тақдирда Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади

41. Қонунчиликка ўзгартиш киритилиши, Жамиятнинг Устави, ички ҳужжатларига ўзгартиш ва/ёки қўшимча киритилиши ва бошқа ҳолатларда мазкур Тартибга ўзгартиш ва/ёки қўшимчалар киритилиши мумкин.

42. Мазкур Тартибга ўзгартиш ва қўшимчалар Жамиятнинг Кузатув кенгаши қарори билан тасдиқланганидан сўнг кучга киради.

Мазкур Тартибга ўзгартиш ва қўшимчаларни тасдиқлаш бўйича Кузатув кенгашнинг қарори мажлисда иштирок этган кузатув кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан ёки кузатув кенгашининг мажлиси сиртдан ўтказилган тақдирда Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

43. Агар мазкур Тартибнинг айрим моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва/ёки Жамият Уставига зид бўлса, бу моддалар ўз кучини йўқотади ва мазкур Тартибга тегишли ўзгартишлар киритилгунга қадар бу моддалар билан тартибга солинувчи масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги нормалари ва/ёки Жамият Уставига амал қилиниши лозим.

**«JAHON IXTISOSLASHTIRILGAN
ARALASH MOLLARI SAVDO
KOMPLEKSI» AJDa korporativ бошқарув
tizimini баҳолашни ўтказиш
учун мустақил ташкилотни танлаш
Тартиби”га 1-илова**

№	Кўрсаткичлар	Балл				
		1	2	3	4	5
1	Бозорда ишлаш давомийлиги	0-2	3-5	6-8	9-15	15 йилдан ортиқ
2	Қимматли қоғозлар бозори мутахассиси гувоҳномасига эга мутахассислар сони	0-2	3-5	6-8	9-10	10
3	Корпоратив бошқарувчи гувоҳномасига эга мутахассислар сони	0-2	3-5	6-8	9-10	10 дан ортиқ
4	Халқаро сертификатларнинг мавжудлиги	0-2	3-5	6-8	9-10	10 дан ортиқ
5	Кўрсатиладиган хизматларнинг нархи	5млн. сўмдан юқори	4.8 млн.сўм	3.5млн.сўм	3.2млн.сўм	3,0млн.сўмгача